

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АЛЛЕРГОЛОГИЯ ВА КЛИНИК
ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ**

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Ҳурматли опа-сингиллар!

Азиз ёшлар!

Мамлакатимизда **“Инсон қадри учун”** деган эзгу тамойил асосида барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Ҳурматли Президентимиз томонидан **23.11.2023 йилдаги “Аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-371-сонли қарори** асосида аҳолига кўрсатилаётган аллергология соҳасидаги хизматлар сифати ва кўламини кенгайтириш, соҳага илғор инновацион технологиялар, замонавий ташхислаш ва муолажа усуллари татбиқ қилиш бўйича амалий ўзгаришларни **нафақат шифокорлар балки, бутун халқимиз ўз ҳаётларида ҳис этишни бошлади.**

Хусусан, **аллергология хизматини такомиллаштириш** мақсатида марказ жаҳон талабларига жавоб бера оладиган **янги , замонавий бинога кўчиб ўтди** ва бугунги кунга келиб ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шу билан бирга , **аллергология хизматини тўлиқ трансформация** қилиш натижасида яхлит **вертикал бошқарув тизими жорий қилиниб,** хизмат кўрсатиш кўлами туман даражасига туширилди. Авваллари **фақатгина пойтахтда ва вилоят марказида** аллерголог шифокорлар кўриги ташкил қилинган бўлса бугунги кунда, **ҳатто туман даражасида** йўлга қўйилди.

Ҳолбуки, яқин-яқин вақтларгача беморларимиз оддий текширувлар учун **ҳудудлардан Тошкентга,** молекуляр аллергологик текширувлар учун катта маблағ сарфлаб **хорижга боришга** мажбур эди. Буларнинг барчаси кечаги кунимизнинг аччиқ ҳақиқатлари, десак, тўғри бўлади. Яратганга шукурлар бўлсинки, улар аллақачон ўтмишда қолди.

Президентимиз томонидан яратиб берилган имконият ва шароитлар натижасида охириги 3 йилда **17 нафар** аллерголог – **2 та** хорижий давлатда, **578 нафар** маҳаллий мутахассис – Тошкентда, **106 нафар ҳамкасбимиз эса** ўз иш жойида амалий кўникма ва касбий маҳоратини оширди.

Марказ Хиндистон ҳукумати томонидан ажратилган **1,5 миллион АҚШ доллар** қийматидаги грант лойиҳаси танловида ютиб чиқди ва ушбу маблағлар эвазига марказда замонавий Референс лаборатория ташкил этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Марказда **30 турдаги,** вилоятларда **10 турдаги,** туман шифохоналарида **6 турдаги** янги даволаш ва диагностика усуллари татбиқ этилиши натижасида

марказга муружаатлар **2 баробарга** камайди.

Бевосита марказнинг малакали мутахассислар томонидан ҳудудларда **ҳар йили 2 мингдан** зиёд тиббий кўриклар, **10 турдаги** текшириш ва даволаш усулларининг амалга оширилаётгани ҳам аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда.

*Илмий изланишлар кўлами ортиб, **18 нафар** аллергологлар докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади, **5 та** йўналишда илмий изланишлар олиб борилди.*

Бир сўз билан айтганда, Муҳтарам Президентимизнинг, “Ҳамма ўз иши билан шуғулланса, қилса бўлар экан-ку” деган таъбирлари нақадар ҳақиқат эканлиги ўз исботини топди. Шифокорларимизнинг ўз касбига меҳри ортди, уларнинг билим ва малакаси, иш тажрибаси юксалмоқда, дунёқараши, онги бугун бутунлай бошқача.

Президентимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган **аллергологик ва иммунологик тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, болалар ва катталар орасида аллергик ва иммунологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш** ҳамда замонавий даволаш усулларини амалиётга тадбиқ қилиш, ушбу касалликларга чалинган беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан таъминлаш, жойларда молекуляр аллергология ва клиник иммунология йўналишидаги текширувларни йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсатида қабул қилинган **ПҚ-371** қарори жамоамиз олдига улкан вазифалар қўйиб, уларни янги марралар сари илҳомлантирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан бизга билдирилган бундай юксак ишончни оқлаш мақсадида аҳолига юқори технологик жарроҳлик ёрдами кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда бундай муҳим тиббий амалиётни туманлар даражасига тушириш бўйича **2025 йил учун бир қатор режа ва марраларни белгилаб олдик.**

Биринчидан, Туман (шаҳар) шифохоналарида авваллари ўтказилмаган, янги **2 та** диагностика ва **2 та** даволаш усулларини татбиқ қилинади.

Вилоят филиалларида эса янги **4 та** диагностика ва **2 та** даволаш усуллари жорий этилади. **Марказнинг ўзида 8 та** диагностика ва **2 та** даволаш усуллари амалиётга киритилади.

Бунинг натижасида беморларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб хорижга, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларига қатнашига барҳам берилади.

Иккинчидан, туман шифохоналарида фаолият олиб бораётган **20 нафар (3 нафар чет элда, 17 нафари республика муассасаларида), вилоят муассасаларидаги 3 нафар** чет элда, **Марказдаги 4 нафар** мутахассислар **2 та** чет давлатлардаги нуфузли клиникаларда малакасини оширади.

Шунингдек, **10 нафар** мутахассислар томонидан **5 та** йўналишда илмий изланишлар олиб борилади.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси орасида бронхиал астманинг молекулар-генетик маркерлар ёрдамида персоналлаштирилган клиник даволаш протоколларини ишлаб чиқиш лойихаси бўйича иш бошланади

4 нафар аллергологлар докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилади.

Учинчидан, ихтисослашган тиббий ёрдам хизматини туман даражасида кўтариш мақсадида Марказ ва унинг филиаллари 2025 йилда ҳар бир ҳудуддан **2 тадан** (жами **28 та**) туман/шаҳарларни намунавий ва илғор қилишга кафолат беради.

Тўртинчидан, Марказнинг **5 нафар** юқори малакали мутахассисларини **1 йилга ҳудудларга бориб амалий ёрдам кўрсатишади**.

2 нафар Россия ва **Қозоғистон** мутахассислари Марказга Консультант вазифасига жалб этилади.

Шунингдек, тажриба алмашиш, маахорат даврслар ўтказиш, янги технологияларни жорий қилиш ва **ҳудудларда** тиббий кўриклар ва махорат дарслари ўтказиш мақсадида **4 та** давлатдан (*Россия, Грузия, Хиндистон, Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия*) **8 нафар** мутахассислар **ташрифи амалга оширилади**.

Бешинчидан, яна бир мақсадимиз тиббий туризмни ривожлантириш, мамлакатимиз аллергология хизматининг мавқеи ва нуфузини оширишдан иборат. Шунинг учун **Марказга** жалб этиладиган чет эллик беморлар сонини **2 марта, ҳудудларда** эса **2 карра** кўпайтириш орқали, тиббий хизмат кўрсатиш ҳажмини **2 юз минг долларга** етказилади.

Шунингдек, рақамли ва инновацион технологиялар, телемедицина, масофавий маслаҳатлар, сунъий интеллект каби дастурлар татбиқ этилади ҳамда хусусий шериклик сармоялари жалб қилинади.

Ҳурматли юртдошлар, Азиз ҳамкасблар

Ишончимиз комил, ҳар биримиз халқимизга сидқидилдан хизмат қилишдек - **улуғ туйғу билан яшаб, бугунги ислоҳотларни – бу мен орзу қилган ислоҳотлар деб**, уларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган бўлсак, ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз билан албатта биз янада юксак марраларни забт этамиз.

Шу ўринда, **халқимиздан** соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, бадантарбия қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни кундалик эҳтиёжга айлантиришини, **Ҳамкасбларимдан** касалликларни олдини олиш, барвақт аниқлашда масъулият билан ёндошишини **сўраб қоламан**.

Зеро ҳар қандай **касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш афзаллиги**ни алломаларимиз томонидан кўп ва хўп таъкидланган. Шунинг учун Биз шифокорлар профилактика учун, халқимиз эса ўз соғлиғини асраш ва шифокор тавсиясини бажаришга масъул бўлиши керак.

Биз халқимизнинг саломатлигини ишончли ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли йўлда бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар қиламиз.

**Илмира Разикова,
Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник
иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази директори**